


84(5-9)2

Манзар Абдулхайр

СҮЗ РУХИ



84(59)7

И


Манзар Абдулхайр

СҮЗ РУҲИ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2014

12096



УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5Ў)7

А - 15

Абдулхайр, Манзар

«Сўз руҳи» / М.Абдулхайр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 100 б.

ISBN 978-9943-27-286-6

«Сўз руҳи» – шоир ёзган янги лирик шеърлар тўпламидир. Шеърларда, аввало, мумтоз шеъриятилизга хос сўз руҳига топиниш, яъни сўз ва руҳ вобасталиги ҳақида баҳс юритилган. Уларда бетимсол табиат ва инсон руҳияти манзаралари ўртасидаги ички руҳий уйғунлик шоирона тарзда васф этилган. Бу шоир шеърларида фалсафий мушоҳадалар, ҳароратли туйғулар, бор.

«Сўз руҳи» тўплами руҳпарвар шеърият муҳибларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-27-286-6

© Манзар Абдулхайр, «Сўз руҳи». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

«СИРЛИ СУКУНАТ – НАҚҚОШ»

Манзар Абдулхайр –истеъдодли шоир. Нозиктаъб адабиётшунос. Унинг шеърларини ўқиганимда, кангулумда сукунатнинг сокин сукунати пайдо бўлади. Бунинг сабаби, шоир имкони қадар, кангулунинг сукунатига сукут ичра назар ташлайди. Кангулунинг сукунат изҳорини изҳор этишга интилади.

*Сирли сукунат – наққош,
Дарду алам ҳамоҳанг.
Бесабр ишқ мунаққаши,
Камалакдай ранг-баранг.*

...Сирли сукунат – наққош... Сатр ўйга толдиради. Хаёлингни узоқ-узоқларга олиб кетади. Ҳам нигоҳингда, ҳам кангулунгда:

*қандайдир сирли мавжудлик,
қандайдир рамзий ишоравийлик,
қандайдир туйгули кечинмавийлик,
қандайдир тафаккурий қиёсийлик*

тасаввурингни ўстиради, кузатувларингни кенгайтиради, ҳисларингни ранглантиради.

Манзар Абдулхайр сўзининг аксар мөҳиятини, мантифини, ҳолотини туйфу ҳамда тафаккурга уйғунлаштиради. Шоир ёзади:

Рұҳим нурга беланар.

Зоҳирий нурнинг ботиний руҳга пайвасталиги бу синоат рамзийлиги.

Австрия ёзувчиси, Нобель мукофоти лауреати Элиас Канеттида шундайин ибора бор: «Сўз – бамисоли истеҳком».

Сўз истеҳкоми синоат рамзига уланиши табиий. Ана шунга қобилияти бор Манзар Абдулхайр сўзи синоат рамзийлиги асносида кангууда доимий бардавом бўлиб бораверсин.

Икром ОТАМУРОД

ШЕЪРЛАР

Хаёлим – рангин хотира,
Жонланади шундай руҳимда...
Шонли кундан бериб шоналар,
Узоқлардан келар шаббода...

FAЗААААР

Таҳ-батаҳ кўнглим қондир, эй аҳли надим,
Чок ўлган кўнглима айланг тараҳҳум
сўз ила...

МУХАММАСЛАР

Дил сени согинур, лек ҳажр бўлмиш
шиддати насиб,
Не қилай, ишқ шиддати бўлмиш менга
бехад насиб,
Нотавон кўнглим қушига то ҳамон
захмат насиб,
Эй, фироқингдин манга гам рўзию
мехнат насиб,
Оҳким, ҳажрингда ўз шаҳримда
бўлмишмен гариб.

ТҮРТЛИКЛАР

*Келар хаёл – күнгил бунча хавотир,
Шундай кечар: ҳар күн отаётир.
Мусиқордек күйласам не тонг,
О, қалбим! Погундадек титраётир...*

ТАРЖИМАЛАР

*Қылма қора тошдан талаб ложувард,
Пок күнгил, юқтирмас сира чанғгу гард,
Эшит Маҳмуд Пурёрвалий қаломин:
Бедиллардан чиқмас сира жавонмард!*

ЭНГ УЛУФ НОТИҚСАН...

Энг улув нотиқсан Тангрим – паноҳим,
Тегрангда ҳар дараҳт – қаламинг қодир.
Зангори япроқлар дафтaring – борим,
Ёмғирли найсонлар – сиёҳинг нодир...

Мен кимман, бир ожиз, ханжарим сүздур,
Руммоний уфқлар сари ёнаман...
Сүз-ла, яшагаймен, сүз-ла үлгимдур,
Қоронғу уммонлар сари бораман.

Замирим ичинда яшайдур сұzlар,
Ҳали айтилмаган, бу сұzlар бүzlар.
Рұхимнинг парвозин бу сұzlар күzlар,
Сұнг бора, бир бора – имоним сұzlар!

БАФИШЛОВ

Эй Инсон, азизсан, сен мукаррамсан,
Тангрим улуфлаган, улуф неъматсан,
Билсанг пойингдадир, арзу мукаррам,
Билсанг кўксингдадир, самовотпаймо,
Тўлмайин паймонанг топғил қадр-шаън.

Сенсиз бу дунёда хорман, кандалман,
Ёлғизлик ярашур Тангрига фақат,
Сен кўзгумсан айтсам, дўнсам суянчсан,
Сенсиз кунларим-да, ўтар бешафқат,
У дунё-ю, бу дунё ҳароратимсан...

Эй, шафқати фамхорим, қара кўнгилга!
Яшайди кўнглингда нафосат боғи,
Равшан эт хотирни, фамни тут сирдош,
Фамдир ишқ-муҳаббат, муҳаббатдир фам,
Сенсиз нақларим сароб бегумон.

Дунёдуст эмасман, жомим хотирот,
Хотирим ичинда яшайдир шифо,
Тингларман Шифони, замирим нажот,
Faflatдан уйгонар инсоний фитрат...
У дунё-ю, бу дунё ҳароратимсан...

* * *

Йиллар суронида... сўзнинг асири,
Бир замон унудим айтар сўзимни.
Унудим ўзимни, синдиридим созим,
Бўғдим овозимни – мўъжаз бир сасни.

Баъзан луғатларга мафтун-маҳлиё,
Умрим луғатини тузмадим асло.
Банди хаёлларим эрки-чун гўё,
Фано оламига кўз тикдим танҳо.

Тутқич бермас кунлар, йиллар чопар тез,
Ёмғирдек тўкилдим, баргдек узиладим.
Банду бандларимдан ситилдим рез-рез,
Ахири, бўркимни тупроққа қўйдим.

Эй само, эй замин бергил ҳаловат,
Мангулар бўлайин бағрингга бафир.
Унутиб дунёning favgolarinini
Favvosdek suzayin, naхrингга чақир!

Тантиқ хаёлларнинг жомига қондим,
Сўзни эрмак дея, бехуда ёндим.

* * *

Том бошида бұзлар қизғалдоқ,
Якка-ёлғиз бағри узра доф.

О, бунча ҳам ёлғиз қизғалдоқ,
Айрилиқдир этни узра қон...

Гар бетимсол фасли навбаҳор,
Сарин шамол эсар бир бесас.
Осмон рангсиз, булат бесабр,
Қизғалдоқ-чи, әгилар маъюс...

Ёлғиз бағри ичра минг бир доф,
Том бошида бұзлар қизғалдоқ...

* * *

Туш күрибман. Бұзлайди лола:
Айни жасоратдир... сүнгги сүз...
Қадаҳингдир шабнам-ла тұла,
Тутғил қадаҳ, лолажон сүнгсүз,
Лолажоним – сүнгсиз андуҳим.

Эхтимолки, үтгандир ёшлик,
Балки ажал бетаҳаммулдир?!
Не бұлса-да шодмон-шүрлик,
Шүрлик қисмат қадаҳин синдир!
Лолажоним – қадим андуҳим.

Менга хушдир, ахир бу – қайғу,
Ичмоқ оғир менга, шодликни...
Мәхр бергил, бир чимдим – оғу,
Хокр ичра ёнур жаҳоним!
Лолажоним – шириң андуҳим.

Жаҳон хокий, шаксиз вафосиз,
Ичиндадир, сұзсиз жағолар!
Еруғ жаҳон – ошкор ниҳонсиз,
Бемажолдир, күхна ботинлар...
Лолажоним – ёвуқ андуҳим.

Айтгил надир сұнгги видойинг?
Бу жойлара йүкдир дүнмагим...
Э воҳ, дұнар азал сипойинг,
Ёнмокқда-ку ғарыб жаҳоним!
Лолажоним – сұзсиз андуҳим.

Сен үшасан! Үша тароват,
Үша оқанғ, ғаройиб туйғу –
Фақат құзун, ғарыб ҳаловат,
Сұнгги унут дамлари «ёху!»
Хайр лолам, сұнгсиз андуҳим...

* * *

Ёрқин саҳарларда сени ёд этиб,
Ёдимнинг кўзлари тундай қорайди.
Энг узок мозийдан ёлқин гул териб,
Қоронғу кулбангга тўқдим гулимни.

О, аччиқ қисмат бу, сиқтамоқ жоиз,
Йифламоқ, сиқтамоқ нақадар сиёҳ...
Кўзимнинг жоласи жилгадек ожиз,
Қўмсайди қайгулар ёмфирин, эй воҳ!

Ай, ишқнинг нидоси – кўнглим фунчаси,
Ҳажр бўстонида сарфайган бир ун.
Унда ошиқ бўлган ҳажр куйчиси,
Қақнусдек ўртанаар кул бўлмоқ учун.

1.

Бутун кеча ғариб сукунат,
Күзларинг-да тундай қаро нур.
Сени мендан айирган зулмат,
Бир зулматки, мангуга масрур...

Тураг эдинг олдимда мағур,
Очмас эдинг андуҳлар сирин.
Билардимки, руҳинг қийналур...
Нигоҳингда ғамгин ҳаяжон.

Ғамнок эдим нигоҳларингдан,
Қақшар эди қалбимнинг руҳи.
Эзилганди қалбим ич-ичдан,
Ҳис этгандим туйғуларингни...

2.

Зорланарди қалбимда тоқат...
Сукунатга пайваста тоқат.
Қўймас эди, буткул ҳолимга,
Қарошинг-да мубҳам нишона...

Мени сендан айирган тоқат,
Жудоликка бардошинг етмас.
Юрагингни кемирар тоқат,
Бир тоқатки, ғамлар яширин...

ДИЁРИМ

Олис манзилларга кетсам-да йироқ,
Юрагимда она юрт солган фироқ,
Қошига чорлагай бамисли чироқ,
Баҳорги Сайхуну Жайхундай тошиб,
Қайноқ құчоғингга қайтарман шошиб!

Ҳаётим йұлларин ёритган нурсан,
Жаҳон ганжи ичра бебаҳо дурсан,
Наҳотки, бу айём озодсан, ҳұрсан,
Боболардан мерос Диёрим, онам,
Етти иқлим ичра ёлғиз-ягонам!

Тарихинг қошида жаҳон әгар бөш,
Буюк афсоналар сүйлар ҳар бир тош,
Париждан қадимроқ шаҳри Кешу Шош,
Эй, Буюк истиқбол буюк бешиги,
Диёрим, очақол иқбол эшиги!

Фикру зикрим мудом юлдуз-ойингда,
Жавоҳир Зарафшон дарё-сойингда,
Замзама ҳар гүша, ҳар маъвойингда,
Сен учун, она юрт, баҳш этиб минг жон,
Бағрингда яшарман мангы беармон!

* * *

Ой нурлари қилганда ханда,
Сени кутдим, сүнгсиз узун тун.
Соҳил, дарё мавжига замда,
Хаёлимда сен бўлдинг, Жайҳун.

Тун либоси мўъжаз ва шоён,
Мезон, мезбон чорлаган чархда.
Сукунатга маҳқум муҳибсан,
Май сун! Тўлқин авж урган тарзда.

Меҳрин сочди ёниқ туйғулар,
Ғаним дўстлар қилганда зарда.
Мавжли дарё руҳим эркалар,
Мубҳам тунда шарпалар қайдা?

Жунжиктирди руҳим, совуқ тун,
Бетакаллуф уйғондим шу дам
Ва, ортмоқлаб ташвишини тун,
Тушагига айлади ҳамдам.

* * *

Ёмғир ёғар – дилгир саросар,
Кечмиш кундан қилар хотирот.
Шаффоғ ёмғир, булутлар қадар,
Унда кезмоқ оғир – пулсирот.

Ёғар ёғин эзіб шуурим –
Түғён урап дардлар гирдеби.
Танизорим яниб дардларим,
Мени қийнар ҳижрон азоби.

Ёғар ёмғир ошёни оша –
Ерни ўпіб, оқар беармон.
Ёшлик зангор – осмони шиша,
Шиша синиб, тұқылар армон.

Ёмғир бүйи, осмоний шакли,
Күнгил узра қуйилар басты.
Ёмғир куйи самовий асли,
Күнгил ичра шовуллар шашти.

Сени белаб келмайди уйқу,
Олты тушар аччик бир армон.
Кече ичра тұлғанар түйғу,
Хеч тасалли бермас пушаймон.

Варактайман хотираларим,
Ложуварддек товланар севги.
Унда кезар севги онларим,
Үксисб-үксисб юрак қалқыйди.

Иккимизни айирди фалак,
Лайри-айри тушди йұлимиз.
Нимталанди бечора юрак,
Капалакдек учар умримиз.

Едга тушар бұзлаганларинг,
Хеч түймадик севги сехрига.
Фамгин ётар саҳфада аксинг,
Биз түймадик аччик меҳрга.

Ложуварддек товланар севги...

12096

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

TOSIBDO TAU 1992

AKHOROT-RESURS MARKAZI

* * *

Интизорман, күзим нигорон,
Яна сени эслаб бўзладим.
Ҳолбуки, кўп бўлмади, ишон,
Сенга атаб шеърлар битганим.

Лекин ўртар бегумон юрак,
Туманларда йўқолган севги.
Оғир-оғир хўрсинар терак,
Танасида зирқирап белги.

Чуқур сой-да маҳзун солланар,
Бағри узра севги ложувард.
Яна келдим, андуҳим сўйлар,
Наҳот, ташлаб кетди улуг дард...

* * *

Асрий тоғлар қошимда,
Сулув сойлар эланар.
Хумо тожи бошимда,
Рұҳим нурга беланар.

Сочим сийпалар еллар,
Алқаб аргимчофида.
Мангу яшагим келар,
Қирларнинг қучофида.

Кирларнинг завқали васли,
Сирли тушга ўхшайди,
Чексиз қирларни асли,
Рұхим құмсаң яшайди.

ЭЙ ЁР

Эй ёр, оташ ишқинг мени маст айлади,
Алпомишдай зұру забардаст айлади,
Висолингга етгали то қасд айлади,
Ошифингга фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёрим, фақат аслинг керак.

Сайр этарман, айттыл қачон боғларингда,
Яйрайманми, ҳеч хүшқаво тоғларингда,
Куярманми ёхуд сенинг доғларингда,
Ошифингга фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёрим, фақат аслинг керак.

Татимагай сенсиз ўтган ҳеч бир оним,
Сен эмасми жисмим аро шириң жоним?
Сен борлиғим, ор-номусим, шұхрат-шоним,
Ошифингга фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёрим, фақат аслинг керак.

Тоғу тошда баланд ўсган терак бўлмас,
Муҳаббатсиз юрак асти юрак бўлмас,
Муҳаббатсиз юрак бизга керак бўлмас,
Ошиғингта фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёрим, фақат аслинг керак.

Келақол, ёр, қовуштиурсин бизни висол,
Афсоналар бўлсак, не тонг, Мажнун мисол,
Юрагимга такрор ўзинг ишқ ўтин сол,
Ошиғингта фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёрим, фақат аслинг керак.

ҚАФАСДАГИ ҚУШ

Азизим, бошингта не савдо тушди,
Қафасда сиқилиб қалбинг увушди.

Мунчоқдай кўзларинг тортибди хира,
Нечун сайрамайсан, айт, жўшиб сира?

Олиста қадалган мунгли нигоҳинг,
Бағримни ўртади нолаю оҳинг.

Сени кўриб, жоним, тутқун, қафасда,
Бўғилдим, қийналиб ушбу нафасда.

Иўқ, сенинг ошёнинг тор қафас эмас.
Мовий кентликларнинг фарзандисан, бас!

О юд этолсайдим, сени, эҳ, дўстим,
Маъзур тут, менинг ҳам қисқадир дастим.

Инсонмиз гарчи биз оқил ва доно,
Қилган амалимиз аксар бемаъно.

Хурликка ташнамиз, эркинлик маъқул,
Кушларни қафасда сақлаймиз нуқул.

Билмадим, қанчалик қийматим, нархим,
Бормикан ҳеч сендан менинг ҳам
фарқим?!

Токай, хукмрондир бешафқат башар,
Эркин қушлар, афсус, қафасда яшар!

1999 – 2004 й.

НЕ ҚИЛАЙ

Қалбимнинг осмонида порлаган
юлдузим, сен,
Зулматли кечам ўзинг, нурафшон
кундузим, сен,
Тоабад оташ кўксим безовчи
кундузим, сен,
Бир оғиз каломингсиз дарди дилинг
уққанман,
Не қилай, айт, муҳаббат дардига
йўлиққанман!

Топишганмиз иккимиз муҳаббат
гулшанида,
Не тонг, бўлсак баркамол ишқ-муҳаббат
фанида,
Не баҳт, ёнсак тоабад муҳаббат
гулханида,
Бир оғиз каломингсиз дарди дилинг
уққанман,
Не қилай, айт, муҳаббат дардига
йўлиққанман!

Ҳажр, неки, васл ичра ҳатто
жигарпорамиз,
Оташин шул қалб ила то қиёмат борамиз,

Мұқаббатдан үзга йүқ на тадбир,
на чорамиз,
Бир оғиз каломингиз дарди дилинг
уққанман,
Не қилай, айт, мұхаббат дардига
йүлиққанман?!

* * *

Мени севиб-суйганинг ёлғон,
Севсанг руҳинг келарди бир тун.
Бошимда ғам, күнглимда бир ун,
Тонг нуридек оқарди сочим...

Хижрон туни бунчалар узун,
Қаро зулфинг каби эгилиш.
Сени құмсаң толим-да, Мажнун,
Сенга атаб пойандоз ёзмиш...

Үтирибмиз тизма-тиз музлаб,
Қоялар-да эгилиш тизлаб.
Севгимизга иқрор машъум тун,
Үз домига тортмишdir увлаб...

Сени эслаб шабнам-да ошиқ –
Тонгда тұқар маржон жолалар...

* * *

Кўнгил ичра мунча сукунат,
Мунча ситам – андуҳбахш садо.
Садолари ичра мусибат –
Мусибатлар ичинда наво.

Наволарда бир ажиб туйфу,
Титраб кетар кўнгил боғлари.
Боғлар, боғлар белини мангу,
Ишқ чилвири – абад чилтори.

Унда қайғу кургони абад,
Асрар мангу номнинг фарибин.
Асрларнинг санги тоабад,
Излар танҳо сангюрак нангин.

О, кўнгилнинг йўли-да, танҳо –
Очилади фариб хиёбон...

Тонг юлдузи – Чұлпон юлдузи,
Шу юлдузга менгзаш умр ҳам.
Чұлпонларни қылған маҳлиё,
Сонияда минглаб чақирим –
Кезар само, лаҳза боқарам...

Кун ботади, қош ҳам қораяр,
Орагимда наво яралар.
Умр үтар, соч ҳам оқарап,
Секин-аста қош ҳам оқарап,
Оракни бир наво яралар.

Түн қўйнида юраман ёлғиз,
Қандай ажиб гуллар очилмиш.
Түн гуллари руҳим этар ёз,
Сачратқилар қалбим этар соз,
Шу гулларга ўхшар қисматим...

ИЛОХИЙ ИШҚ

*Нутфаки бўлуб бу мазҳари ишқ.
Алишер Навоий*

Нетай, такрор ёндириди ишқ,
Дарду ғамга қондирди ишқ,
Бор дунёдан тондирди ишқ,
На оқилман, на девона.
На ёриман, на бегона.

Боболардан қолиб келган,
Фарҳодлардан голиб келган,
Сурур, фусса олиб келган,
Тирикликнинг гаров-божи,
Ишқ – қалбимиз тилло тожи.

Гар тилларда достон-шева,
Гарчи, аксар аччиқ мева,
Гарчи, аксар қиласар бева,
Қалбларимиз дофлаган ишқ,
Бизни ипсиз бофлаган ишқ.

Ҳаёт отлиф ҳур чаманда,
То жони бор қайноқ танда,
Шайдо бўлар ҳар бир банда,
Майли, қилгай ҳолни хароб,
Қайта-қайта, ишқ, тут шароб.

Муридимиз бизлар унинг,
Мұхаббатсиз үтган кунинг,
Сақаргача тинмас унинг,
Хор айлама, умматинг ҳеч,
Цариф тутма, ҳимматинг ҳеч.

Мен мұхабbat сасидаман,
Ҳамон ёш, ҳам расидаман,
Битдим сенга қасида ман,
Мұқадdas деб тутган ишқим,
Юрагимга битган ишқим.

Тұлғанар жон минг ўртаниб,
Манзарни ҳеч юрманг яниб,
Севмай Ҳақни, бұлмас таниб,
Не фарёду ва не ох, ишқ,
Үраттанга әлтар роҳ ишқ,
Үраттанга әлтар роҳ ишқ!

УМИД УЗМАСМАН

Қорайсин чор-атроф зулмат туфайли,
Лочинлар қаноти қайрилсин, майли,
Ваҳималар солсин бойўғли хайли,
Севгим, сендан асти узмасман умид!

Қузғунлар чарх урсин юксак ҳавода,
Маҳзунлик кучайсин куйда-навода,
Қатағон бўлсин гар толе маъвода,
Севгим, сендан асти узмасман умид!

Баланд бўлсин, майли, сурбетлар қўли,
Аҳли ишқ бошида кулфатнинг дўли,
Разолатга ботсин олам ўнг-сўли,
Севгим, сендан асти узмасман умид!

Майлига, ҳар қанча айласин у хор,
То менинг қалбимда муҳаббатим бор,
Манзарга тоабад Худо бўлар ёр,
Севгим, сендан асти узмасман умид!

ҲАЁТГА ТАШНАЛИК ҚҰЙМАС ТИНЧ

Үзілмам, юмилмас ҳеч күзим,
Нечун йүқ күкламим, Наврұзим?

Күләрим юмсам-да, уйқу йүқ,
Күнглимини титратар туйғу йүқ.

Файзини йүқтотган боғларим,
Нураган сарбаланд тоғларим.

Лігар-чи, кимсага жабрим йүқ,
Не учун ҳаловат, сабрим йүқ.

Куларман күзимда ёш бирлан,
Күксимда қалб әмас, тош бирлан.

Юракда на мадор, на умид,
Нисонми ё шайтон – ноумид.

Устихон танамда – собит синч,
Ҳаётта ташналик қўймас тинч.

1993 – 2004 й.

* * *

1.

Сен-ла, жим хайрлашмоқ оғир,
Айт дилбарим, нечун ғамгинсан?
Ким чаплади? Бундайин моҳир?
Улуғ Тангрим буюк неъматин?!

Билмам, жоним, нечун хафасан –
Юрагингни ким қилди пора?
Мен эмасми, хаёлинг бузган?
Мен эмасми, ёшинг оқизган?

2.

Билмам, ёшим, нечада ҳали,
Кечмиш онлар ёди қийнаюр!
Қабарган бир күнглим ичинда,
Куртак очар севги нишлари...

Кун ботишда, маҳзун гүшада,
Сен куттайсан ёлғиз ва ёлғиз...
Сени ҳеч ким келмас истоғлаб,
Мен бормасман сени сўроғлаб.

3.

Қалқиб борар дунё бегумон,
Кўз ўнгимда хиёнат зоҳир...
Кўзларимда қалқир ашқ равон,
Маҳзунланма, ишқ надир ўзи?!

Сен сиқтадинг бесас, күз ёшсиз,
Киприкларинг қуриган оғоч.
Ишқұ нобидан ичдик бир томчи...
Улуғ Тангрим, бизни йүқламиш.

* * *

Дарё мавжларига бўлиб ҳамоҳанг,
Кўнгилда авж урар кўхна андуҳлар –
Исмсиз дардларга бўлиб жўр-оҳанг,
Унда жилоланаар мангу ҳасратлар.

Тўлқинлар мавжланар, қуриган тоқат,
Сабр косаси ҳам қумга тўлмоқда.
Қачонлар мавж урган тошлоқ бетоқат,
Бугун гуллагайму ёки эртага?

Орзулар ушалмас – туйғу омонат,
Нураб борар ҳиддат – қайғу азалий.
Сени тинч қўймагай инсоний фитрат,
Музликлар тафтида исин абадий!

Исинма оловга! Уйқу – хиёнат –
Унда мудраг мудом гафлат алафи...

* * *

Зулматли тун, кўнгил музтариб,
Ҳеч кўринмас ойнинг уроғи.
Туннинг бағри борар қорайиб,
Кўнгил ичра ишқнинг суроғи.

Само узра нурсиз чироғлар –
Ёритолмас кўнгил зулматин.
Ҳеч бузолмас изсиз шарпалар,
Туннинг қора шойи пардасин.

Кеча узра зулм қўйган от,
Хаёл отин ўғирлар неча.
Кеча ичра танҳо зулумот,
Танҳоликда ягона кеча.

Ажиб кеча, бекаслик ҳоким,
Мил-мил ёнар туннинг чироғи.
Кўнгилда бир сукунат золим,
Бенишонлик ишқнинг маёфи.

ИАХОТКИ, СЕН, ЎША

Мовий уфқларга түш урган кема,
Тұлқинлар бағрида жүш урган кема,
Юлдузни бенарвон қүш урган кема,
Иаҳотки, сен, ўша – бүш турган кема?

Кайларга бординг сен, қайлардан
қайтдинг,
Иаҳот, сафарларга алвидо айтдинг,
Иаҳот, қайтиб келмас юлдузли пайтинг,
Иаҳотки, сен, ўша – бүш турган кема?

Минг йиллар лол қолар жасоратинг бор,
Бу кун манглайнингда асоратинг бор,
Иаҳот, мұрт танангда ҳароратинг бор,
Иаҳотки, сен, ўша – бүш турган кема?

Номард дарғаларинг кетдими ташлаб,
Қолдингми ортидан бағрингни ғашлаб,
Ҳәсітингни қайта бұлмасми бошлаб,
Иаҳотки, сен, ўша – бүш турган кема?

Күйиб берсанг кимлар ноҳақ нарх қиласар,
Сеніңга ёт шамойил-шакл, тарх қиласар,
Күркеман, оқибат вайрон, фарқ қиласар,
Иаҳотки, сен, ўша – бүш турган кема?!

* * *

Бинафшажон, бинафша,
Сенга меҳрим булакча.
Дебоча тароватинг,
Баҳордан булди мужда...

Бинафшажон, бинафша,
Қалбимга солдинг дарча –
Нурсиз юрак нурланди,
Сенсиз кўнгил зиндонча...

Бинафшажон, бинафша,
Завқим сенга ўзгача.
Бир замонлар ёйгансан,
Пойандоз кўнглим уза...

Бинафшажон, бинафша,
Нечун аслинг гунафша?
Учратмадим сендайин,
Малҳам бир қалбга яна...

* * *

Үксинма! Ўтар умр,
Тоқатлар тугаб борар.
Сени эсламас ҳеч ким,
Ишон, ундан бошқаси...

Қачон келар ҳур кунлар,
Бас, пушаймон бўлмасак.
Ҳазинсан сен бунчалар,
Тугаб борар бардошинг...

Ёниб борар юрагинг,
Тез, сўнгги маъво томон.
Чора истамас кўнглинг,
Забт совиган ҳаётдан...

Кетиб-кетиб ёронлар,
Чинг қолгансан танҳо.
Лйт, кетмоқми муродинг?
Наҳот, дардинг бедаво...

* * *

Орзуларнинг экиб ниҳолин,
Келди баҳор, ишқнинг нафаси.
Гул ифори, наволар рангин,
Наволанаар найнинг навоси,
Оракларнинг чертиб дарчасин.

Бунда диёр. Унда бодомлар
Оқ либосли – зумрад ҳудуди.
Наҳрлари қайғули шошар –
Гүё, мисли жаннат мардуди¹.

Водийларда оввора маҳбуб,
Ҳаволанаар муҳиб чечакка!
Қўйчивонлар майин “мунг ошуб”
Шивирлашар етиб майсага.

Ёбон сари айланар булут,
Рутубатли ҳаво чайқалар,
Шошар ақл! Суронли бир уд?
Маъюсланаар, ўт-ўланлар тар.

Қалб қўрида гирдобланар дуд,
Худудланар рангпар булутлар...

¹ Мардуд – рад қилинган, ҳайдалган, қуқилинган маъносида.

* * *

Оппоқ дудга тұлар кенг осмон,
қыра, ҳозир кумуш зар сочар!
Қовоғида мужиб ҳаяжон,
болиши-да, шифа-шифа пар.

Изгиб-тұзғиб фуж-фуж қор ёғар,
изгириңда сарсон-саргардон.
Пар сингари тұзғир саросар,
яна тушар... бағрида армон.

Бириңчи қор! Даракчи-намчил,
айғоқланиб ёғар боғимга...
Бу сафарги авзойи дардчил,
мағурланиб ёғар қалбимга.

Етар оппоқ, шифир-шиғир қор,
штроғимда кумуш тонг отар.
Етар оппоқ, мизғиб-мизғиб қор,
болишида парчин-парчин тар.

Оппоқ дудга тұлар кенг осмон...

* * *

1.

Аросат дағъидир Чилёсин,
Сен ўқи! Эй қори, қирқ Ёсин.
Ёсин-ку дардларга шифодир,
Қуръоннинг қалбидир бир Ёсин.

Сен тушир Чилёсин, бир соҳир,
Дардимиз кўп оғир, кўп оғир.
Яшармиз хўп нолон, эҳтимол,
Начора, умр ҳам ўтгайдир.

Ёсиндир гар имон дуоси –
Виждоннинг қатида Чилёсин.
Оятки, эгамнинг муждаси,
Юрагим дардларин қирқ ёсин!

Ёсуман фирибин кўп едим,
Ё Тангри, асрагил имоним.
Саргайди устихон заъфардек,
Сен тушир қирқ ёсин, эй қорим.

2.

Сен тушир қирқ ёсин, эй қорим,
Тиқиљди бўғзимга минг ситам.
Заққум ичдим дунёларидан,
Бағрим ичра кўмдим-ку борин –
Юрагимни тимдалаб ўйиб...

Фурсат ҳам эҳтимол етгандир,
Бу фоний дунёда меҳмонман –
Муҳтасиб қарзларим кўп оғир,
Ёзифим ўлчагил, сен шоён...

БАНДАИ ОЖИЗ

*Заифлик тавқи бүйнімдә,
ки юксакликка дахлым йүк.*
Мирзо Бедил

(Рауф Парфидан)

Бандай ожизман, бандай ожиз,
Тикдири азалми, замона зайди?!
Ни олдда бир нишон, на ортда бир из,
Ливалу охирсиз аросат сайли...

Күн тунга топширап, тун яна кунга,
Фисллар фармони бешафқат қойим.
Холига маймунлар йиглар маңзунга,
Ниҳотки, шукронада жоиз, Худойим!

Көптираға ҳар лаңза тортар тубсиз чох,
Күзгүнлар пайдар-пай бағримни үйди.
Чратган бандасин, наинки, Аллох,
Хиттокази Азроил эсламай қўйди...

Ўсиз озод руҳим! Фақир, бекадр,
Чирқирап... чирпирап... жазава... садр!

1989 й.

* * *

Шундай бир висолни құмсаган юрак,
Чидармикин энди, жудоликка ком!
Кошки, парчаланган ички бир тиргак
Хажр саҳросида бұлар сұнг бардош.

Ногақон чирпандим, ногақон турдим,
Атрофим сокину құнғил bemажол...
Ненидир топдиму надир йүқотдим,
Құнғил бир шарпага нишондир, алхол.

Атрофим сокину құнғил bemажол,
Нима бу? Безовта руҳим шикаста,
Наҳот, сұнғти нафас – шаън узра беҳол
Озодлик құшиғин күйлар пайваста!

Шиплим мудом ишқә орзуманд,
Шиплим ишқисиз сароб бегумон...
Мұқаббатим, васлага зұрманда,
Шиплик дафтарим поёни аён.

Орагимда тенгсиз ҳаяжон...
Наҳот, ҳали қалб узра бир құр,
Наҳот, ишқнинг йұли бепоён,
Нақы менга шундай күринур?!

Швокиблар тинглар ҳасратим,
Шваримда мудаввар² ашклар...
Шрим кеча, құнглым ҳам ярим,
Шун сочини руҳим сийпалар...

* *

Айгули тун, құнғил ёнар тош,
Улгулалар мудаввар сирдош...
Ирвонадек шам атрофида –
Под айланар умр баҳори,
Мұхрланиб сукут бағрида,
Албда эрир мұмдек накҳати³...

² Мудаввар – юмалок, доира; айланыш маъноида.

³ Накҳат – хушбүй модда маъносида.

Бедиллар-чи зардан тошланар,
Беозордан нечун ғашланар?
Танҳо юрак кезар кечада,
Совуқ кеча, кечар лойзорни.
Изиллайди тунда изфирин,
Лой күчада ёлғиз руҳ учар...

* * *

Хаёлим – рангин хотира,
Жонланади шундай руҳимда...
Шонли кундан бериб шоналар,
Узоклардан келар шаббода...

Үлка узра Бойчибор елар,
Манглайида азалий шарпа –
Кузларида рангин хаёлот,
Отланади самолар сари...

Мажруҳ руҳим зорланар ҳадсиз –
Курса эди, шонли онларни...
Фариб гүша, тоғлар киборсиз,
Қолса эди, шаън ила зора...

ИХРОЖ

(И.Ю.Лермонтовдан)

Ш санам, малҳам бўл! Қувфин руҳимга...
Алҳол кузатиб қол олис-олисга –
Музиклар бағрига – хориж ўлкага,
Юрса келмас ерга – сўнгги маъвога,

Ўзингдан нарига ихрож қил, ихрож!

Іа даркор, нокерак руҳим шифоси,
Іокерак кўнгилга даҳри дун иши –
Ілимнинг лаш-луши, чексиз ҳудуди,
Ига керак фақат дунё матруди⁴...
Іирҳамат айлама, ихрож қил, ихрож!

Іром олсин саркаш қувфинди руҳим –
Мудом жафоларга шай турган кўнглим,
Шимдан ўзгага дар-ночор севгим –
Ілбимнинг тубида мавж урган ишқим,
Іунсий майлдан ихрож қил, ихрож!

⁴ Матруд – узоқлаштирилиш, қувилиш маъноди.

Мен түйдим дунёсин жафоларидан,
Билиб бўлмас сирли хуружларидан –
Оёқ ости номсиз маҳражларидан...
Нокаста касларнинг вафоларидан,
Мурувват айлама, ихрож қил, ихрож!

Кўнгил сен бунчалар ёндинг пинҳона
Ўзинг куйиб, ўзинг бўлдинг бегона...
Не ситам, не жафо ҳануз сирдона –
Юрак наволарин қилдинг нишона,
Сўнгсиз туналаримга ихрож қил, ихроҳ

ЮРАСИЗ АЁЛ

Бева қолган – чорасиз аёл,
Ибун ҳолин излаб малҳамин,
Уш дамларин эслади дарҳол,
Қўмсаб алҳол масъуд онларин...
Ида қолган фараҳбахш кунлар...
Ишқ айлаган масрур, хуш онлар
За, бир кунжда исмсиз дардлар...
Кудоликдан тутаган бардош –
Боқар эди маъюс, атрофга.
Кўз ўнгида чапланган қондош,
Чин қўймас сира ҳолига...
Гўё ёри бу баҳор қайтар,
Чита тутар сават-сават гул.
Лу баҳор-да, ғамхорин кутар –
Гираб шохи очмишdir ҳуб гул...
Гимгин эди қайгули бева,
Чи яшнатган боғча саройда –
Лодом қийғос гуллаган заъфар,
Оқ либосли – зумрад ҳудуди.
Наҳрлари ҳайқириб шошар,
Гўё мисли шиддат матруди.
Фиқат шошмас кўк либос аёл,
Кўнгли ғамнок бир девона ҳол.
Ҳуб қўмсади висол авжларин –
Юрагидан ўтказиб бир-бир:
Кинни қайтса минбаъд Зафарин,

Босса эди бағриға бир зир.
Атрофида парвона келбат –
Жувон сочин силаса шу он...
Бошин әгди покиза хилқат –
Ва, хаёлга толди үшал он.
Масъуд дамлар ёди-ла ёнди,
Күхна андух завқи-ла қонди:
Қайда қолди шодмонли кунлар,
Мұйжаз тұнли оромбахш тунлар.
Бахтли эди үшал ёр ила,
Шер келбатли қаро қош ила.
Күп әзилди, обдан йиғлади,
Мангу қайтмас ёри руҳи-ла.
Каж фалакдан ниде излади
Ва, фудранди сассизгина жим:
Хеч шубҳам йүк, бунга бегумон –
Кетар сендан масъуд онларким
Ва, ботарсан қайғуга ҳар он –
Безовта руҳ қўймас сени тинч
Ва, кўзингга санчилар бир синч...
Гўзал эди атрофда баҳор –
Пастда гуллар таратар ифор.
Қувфинди қүш бева қалбидан –
Аёл қалби мунгдан ёришар...

ОНАЖОН

Дарахтларнинг барги саргаюр,
Куз келишдан дарак Онажон...
Бу куз келар сен учун оғир,
Шу тун бўлур тушларинг аён...

Подон ўғлинг яна чорасиз,
Воқ дарахтга қаргалар қўнди!
Қагиллашар қайфумга, шаксиз –
Музтар кўнглим чўкишар энди.

Ним қоронғу умр қошинда,
Ғамлар ёғар бошимга шояд.
Наҳот энди, хазонлар ичра –
Қиқшар меҳр нуринг тоабад...

Лунёйимни босмиш қузгуналар,
Шурларимга шўриш қилурлар.
Мен-ку, азал ғамга эш-ошён,
Хизонрездир боғларинг бу кун...

Дарахтларнинг барги саргаюр,
Куз келишдан дарак Онажон...

* * *

Тафаккур чирофим тезроқ ён энди,
Фамнинг кулбасига кираёттирман.
Ёмғирларнинг ҳарир пардаси ҳаққи,
Тириклар, бир чимдим меҳрга зорман.

Беозор мусича, дил уйин қоқғил,
Нега тонгги гуллар тиласиз ва мунгсиз?
Келгин, фамнинг тахир бодасин ичгил,
Тонг чоги лолани ўпайлик сассиз!

“Рұхим юксакларга қиласвер парвоз”,
Ҳақ сүзин айтишдан забонлар мұстар.
Мушкулкүшпод Онам, дуо қилинг боз,
Исмсиз онларда фамбода тестар.

Бугун ўзгачадир, фамнинг исёни,
Бир сўзим, бир ўзим ўртада талош –
Қайси бири барҳақ, Ҳақнинг шоёни,
Ҳажр бўстонида сабрсиз бардош.

Нафрату ғазабдан кўнглим айрилсин,
Сабр бўстони бу – Ҳажр бўстони.
Сен томон Оллоҳим руҳим қайрилсин,
Бугун фармонбардор, фамнинг исёни..

У 1 бўлиб туғилар улуғлар ёди,
Яссавий бобом – қоним, имоним.
Менга мадад беринг – бир имкон сари,
Нақадар ожизман, бу қадар ёлғиз...

Менга бир сўз беринг, кўксим тилкалай,
Менга қанот беринг, гар сўзлар увол.
Чайин кўкларга бир Худо ҳаққи,
Рұхим парвозисиз, мен хароб, нетай?!

Тунёни қизғанманг, эй, азизларим,
Бир чимдим меҳни қизғанмоқ нечун?
Қизғанманг бир сўзни, Озод ҳақ сўзни,
Мазлумлар кўнглига бир қут бериш-чун...

Пиҳот, валваласиз яшамоқ оғир,
Пиҳотки кишанбанҷ туйгулар ахир?!

* * *

Мен нега сиғиндим, нега топиндим,
Интилганим рүё ё эътиқодми?
Бўзлаб дарёларга тўқдим ҳасратим,
Фарид дарёларнинг шовури тинди.

Кўнглим само янглиф, нурланар ойдек,
Мен энди кетайин муazzам ёғду.
Наҳот, тўқилдик биз, наҳот, биз тўлдик?
Зулм аҳкомида биз курбон, мангу!

Наҳот, юҳо нафснинг бўлдик қурбони,
Мунжиёт⁵ кунжидан излаймиз нажот?
Хафа бўлманг дўстлар, ҳар неки, ўтди
Бизни чорлар: бир гаройиб мўъжизот.

Ҳар на ўтди, ахир, биздан ўтди-ку!
Ахир, ёруғлик деб, бўлдик биз хароб.
Надир бу – тилим лол, кўтаҳ назар-ку!
Қаерга боқмайин қоронғу, сароб.

Турфа хил овозлар – кўнглим ўядир,
Илоҳий интиҳо – мавҳумот майли,
Ёлғизлик ғами не, бу ахир, надир,
Нур ва Зулмат, нечун аросат сайли?

⁵Мунжиёт – нажот топишга ёрдам берувч
амаллар: тавба, сабр, шукр маъносида.

Ишидим қафасда, нетдим чор кунжли,
Нилаганим Нурми ё Зулумот коми?!

1989 й.

* * *

Ай, сен, хўрланган, тобинган сингил!
Нурланар чеҳрангда ғамнинг чизиги...
Сочлари супурги, ғамхона сингил,
Кўйгурма! Бошқадир шаъннинг қибласи...

Сени топтагандир кўнгли гариблар,
Бир йўқдаб келмаган, наҳотки, Отанг?!

Бир бурда нонга зор қилди афёлар,
Сени бир эсламас, наҳотки, Аканг?!

Стадир жафолар, етадир вафо,
Бир кун кўчангдан-да, ўтар Ҳақиқат!
Фиқат сен унгача собит тур, Вафо,
Гинчим шу кун-ла, яша барҳаёт!

Кисинма! Эй дағёр, асрий ғамдошим,
Бонингни урмагин Остоналарга.
Синг-да ризқинг бор, ишон, малагим,
Фиқат қилма кўз ёш Бегоналарга!

Бир чимдим меҳрга ташна – хор Аёл,
Нечун, таҳқирланар имон шеваси?!
Сочлари фатила – эй Гузал, Хаёл,
Асрлар сангида яшайдур Аёл...

1989 – 1990 й.

ЧҮЛПОН НОЛАСИ

(Абдулҳамид Чүлпондан)

Мен кимга суянай, кимга дод солай,
Мени тинглагувчи ким қолди, ким борі
Қулоқлар беркилгай, күзлар юмилгай,
Бир сұзим бүғзимда қотган нола бор.

Күксимда бир фарёд, чораси надир,
Ногаҳон дор оғоч Ҳақ сұзин туйгай.
Кимдан-да, сұрайин, Ҳақиқат надир,
Бир тирик ноладир, нурга топингай?!

Эй күнгил, тупроқдек сұzlаринг Ҳақдир
Сендан-да, азизроқ яна кимим бор?
Сендан-да, сұрайман Ҳақиқат надир,
Ҳақсиз оломоннинг фарёдидир ул?!

ТУРКИСТОН

(Усмон Носирдан)

Сокин тун, сукунат, бир овоз,
Қисматим мазаллат бениёз.

Овозим ҳеч чиқмас бир бүфік,
Мозийдан садо бер, Тұньюқуқ!

Орта-кеч интизор кутарман,
Келмасанг, водариф, нетарман?

Тақдирми садпора дил куюк,
Наҳот, эзар тоабад бу юк?..

Кулсам-да, хаста дил тортар ун,
Жаллод қавмин бир кун тутар хун.

Келакол, эй буюк Туроним,
Түронга дүңгай сас-суроним.

Бир улуғ дард бергин, улуғ дард,
Ұйғонгай руҳимда алплар мард!

1989 й.

* * *

Фам ошиқар дилимда наҳор,
Аччиқ дуддан ёришар күнгли�.
Ёмғир ҳиди димоққа урап,
Мен күнгилни, Баҳор! Соғиндим.

Димофимни қитиқлар бир дуд,
Фам чечаги мудрар дилимда.
Тарқар дудлар бир кун беҳудуд,
Шунда ғамлар яйрап унимда.

Бунда сойнинг шарқироқ уни,
Тун қўйнида аллалар мени.
Соғиндингми руҳим сен уни?
Юрагимга санчилар туни...

Бутун ўзни таниди күнглим,
Эрта сени йўқотдим гулим.
Кун отарда дардларим – шаъним,
Кун ботарда ғамларим – оним.

Анҳорларда сув жилоланар,
Баҳоримсан сен мени наҳрим.
Юрагимда барқ урап абрим,
Уйғон қалбим, уйғон чечагим!

СҮЗ РУҲИ

“Ўз кўзинг билан боқ ўзингга, сўзга ўралгин. Дунё одамлардан эмас холи. Икки оламнинг асоси Сўздир, чунки Сўз Ҳақдан мужда бўлиб келди. Ахир, арши аълода битилган “Лавҳи маҳфуз” ҳам Сўздир. Ҳамма нарса Сўздан ижод этилган ва Сўзга қайтади”.

Фариидиддин АТТОР

Мрим бўйи бағрим қилар хун,
Млом билан бошланар ҳар кун,
Млом билан ҳам топар якун...

Пітъзан күнгил ўртанаар ғариб,
Пимдорини бир оз ютиниб,
Ўз руҳига дўнаман ҳориб...

М оломон, шошасиз бунча,
Му йўлнинг-да, бордир адоги?!
Кизғанмангиз бир Озод сўзни!

Нолалардан тугаган бардош,
Мир сўз, ахир, руҳнинг озиги!
Никлаб олинг руҳи равонни...

* * *

Үтадир суронли кунлар ҳам,
Оғриқли дамлар-да етадир.
Ётади хазондек, хўп сўлим –
Кўнгилнинг қатида бир армон...

Шунда у кўнгилни англаюр,
Бошин-да, кундага қилиб хеш,
Чиқадир йўлларга интизор –
Қўлинда фунчалар булиб эш...

* * *

Ўша кундир, бўзлаган куним...
Ҳамдардлик-ла ёнар сатрлар.
Сукут ичра сўзлар дилсўзим,
Турибман мен, сўнгги издиҳом...

Ҳамдардлик-ла ёнар сатрлар,
Кўнгил ила сатрлар човук –
Тозартирас руҳим атторлар,
Шундан хаёл, фам чекиш куни...

* * *

Күнгил ичра жүровоз садо –
Шигалайди ёмғир унидек...
Күнглим ичра беором наво,
Үйғонади күнгил Фиротдек!

Түрфа саслар ҳайқиригида,
Ейюп күнгил охиста тинар...
Жанггоҳлардан қайтган отлардек,
Илҳомларга жиловин тутар...

* * *

Күнглим ненидир излар –
Бирида бир қүш мұстар.
Хисратларин гиз-гизлар
Минг бир ғам хайлин йифнар...

Сирли сукунат – наққош,
Нарду алам ҳамоҳанг.
Бесабр ишқ мұнаққаш,
Камалакдай ранг-баранг...

САФАНА

Нурланар, турланар сирли сафана,
Сирру асрор маҳзанига погона.
Не-не азиз кабирларим баҳона,
Саждагоҳга айланди бу ғамхона.

Тұлмаган аввалу охир тоабад,
Зим-зиё қаърингда тұлар паймона.
Гар, тубсиз қаърида жо бутун тарих,
То ҳамон, алқазар, чорлар меҳмона.

* * *

Ҳақиқат нимадир, балки, у ҳасдир,
Шу ҳасдир ҳақиқат, ҳақиқат шу ҳас.
Рұхимнинг исёни ҳасда намоён,
Қалбимнинг түрөни ҳасдандир-ҳасдан.

Хаста қалбим ҳасдан топгандир мурод,
Истагим шу ҳаслар бұлмасин завод.
Магар сен шу ҳасни қилмасанг эъзоз,
Бир күн сен шу ҳаста бұлурсан муҳтож ...

* * *

Ииглагин, азизим йиглагин,
Топарсан у ерда қиймати...
Бошингни хам қилиб инграгин,
Күрмасин жоҳиллар бошингни.

Үнүтма соҳибдил бор ҳали,
Рұхдарда чарчоқлар ёд ҳали.
Шиларинг беҳуда тұкмагил,
Үнүтма дард аҳли бор ҳали...

* * *

Чексиз самоларга күз тиксам ҳар он,
Жна қайта номинг дилимда шоён...
Моҳим, биз кузаттан ёвқур турналар –
Әнди, биз томонга боқишишмас бир он.

Ва, келмас агадул-абад биз сари,
Қайтгуси баҳорлаар, қайтмас муҳаббат.
Изимиз яшириб гуллар сараси –
Ұқмоқларда сайқал топажак, албат...

КУЗ

Куз... қалбим меҳробин буз...
Айлади ҳижрон бунчалар туз.
Үй-хаёлим яккаш айлаган -
Қалбдаги куз япрогин уз...

Куз... сабр япроги сарғармиш -
Айтилмаган сўзларим каби тез.
Ҳижрон зуғум айлади бунча кеч,
Кўнгилда қолмади ишқдан ўзга ҳеч...

* * *

Тун сирлари аён-ноаён,
Тангри учун кундек намоён.
Шунда ҳамки, гоҳи-гоҳида
Шотирларин йўллар ногаҳон...

Замин узра айланар фалак,
Тун қўйнида сайр этар малак.
Дил либосин ўқийди ҳалак,
Соҳибига етказар дарак...

* * *

Ом боғлари күнглигимга мадад,
Гилар мудом дарддан боғламлар.
Күнглигим уйи бузилар шояд –
Нашқ ғамлари очилар чоғлар...

Оғир-оғир хұрсинар күнглигим,
Күнглигим эмас, руҳим бүй чұзар.
Рам ёмғири ёғар күнглигимга,
Руҳим ичра сузилар сұзлар...

* * *

Жоизки, ёзамиз юз фоиз,
Гарчи күнгилда йүқ сүз жоиз.
Сұзларни чирқиратиб мудом –
Сұзлаймиз жоиз...

Сұзлардир товланур хилма-хил,
Зиммада олоиш мажбурият.
Зоҳириу ботин-да, турфа хил,
Якранглик ато эт, мұжизот...

ЧҮПОН

Сурувларин гар мудом бедор,
Сақлай олмас қашқирдан ғаддор.

Чүпон учун талон, қотиллик,
Табиатан олий одиллик.

Гар адоват гулханин ёқар,
Жонзотларин шу асно боқар.

* * *

Олис уфқ, пойида денгиз,
Чайқалади ғамгин гаройиб.
Нурин сочиб қуёш асарсиз,
Солланади шакли ажойиб.

Наҳот муҳит ғамларга ботиб,
Қоронғуда тұлғанар мунгсиз...

* * *

Асрлардан келади нидо –
Бизни чорланғ: этмангиз матруд,
Бир сасларки, күнгилга шифо,
Ихроj күнгил бұлади мардуд...

Шайтон лайн бұлғандек қувғин –
Она халқим қылмангиз ихроj...

* * *

Мени хорлик қылмади адо,
Нигоҳингда бұлдим мен хоро...
Нече манзил, неча юрт кезиб,
Хеч топмадим манзили маъво –
Фақат топдим сару сомонлик
Ва, бедорлик ёки бир наво...

FAZALLAR

* * *

Эй дўстим, шафқатсиз хунхорларга боқ,
Оқни қора деюр, диндорларга боқ.

Мангусдек шижоъкор, найрангта бардош,
Қадами ваҳимли морхўрларга боқ.

Аламинг қондирап, ичингда доғлар,
Ёфдули кишилар нигоҳига боқ.

Ахир, нечун дунё қабоҳат тўла,
Макру ҳийлаларнинг маскани тузоқ...

Кўнгилини туттил пок, сақлан кибрдан,
Бўйнингга осилган зуннорингга боқ.

Гар тилим ғалатдир, лекин дилим тоқ,
Манзарнинг замзама сўзларига боқ.

* * *

Чекди умрим водариғо, ҳасрату андуқ ила,
Бұлмадим, мен бир замон ишқингдан
айру дам ила.

Дам бу дам деб, ошною хонумондан
күп йирок,
Сарғарыб түшдім хазон япроғи янглиғ
ун ила.

Бу забун ахволима истаб чора,
күп интилиб,
Лимааллоқ мақомидан умид қилдим,
саъй ила.

Тах-батақ күнглім қондир, эй аҳли
надим,
Чок ўлған күнгліма айланғ тараҳҳұм
сүз ила.

Сүз күпдир, қийлу қолдан танизорим
ҳазин,
Гүшаи тутдим, күнглім тұлатдим майу
ноб ила.

Бир замон қилмади ёр наззора, бу қули
нодонига,
Үтди умринг Манзаро фафлатда
нодонлик ила.

* * *

Жабрни кўп қилдинг жоно,
Кўнгилни зорлатиб айро.

Юрармен телбараб итдек,
Яна қанча ситам-аъло.

Кўзим гирён, йўлинг пойлаб,
Кутарман мен гули раъно.

Саҳар гул фунчадек кўнглим,
Кўрап мудом ўзин аъмо.

Ҳажр шоми кўнгил эзди,
Яна қанча шарап пайдо.

Менинг ақлим забун бўлди,
Ўзимдан-да, бўлдим жудо.

Бу ишқнинг можаросидин –
Яна қанча ситам-фавфо.

НАВРҮЗ

Бугун Наврүз, күнглиңгизни тараб
айланг ёронлар,
“Ишрабу...” нидоси ила қонингиз эй,
ташналаблар.

Мутрибо чалгин наво, ташна диллар
яйрасин,
Ох чекиб то тонггача юрак-бағри
садпоралар.

Хуш айём Наврүздир, ишқ аҳлига
соябон кундир,
Бу оқшом билло тенг келмиш қайфу
ва шодмон дамлар...

АЛИШЕР НАВОЙЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Дил сени соғинур, лек ҳажр бўлмиш
шиддати насиб,
Не қилай, ишқ шиддати бўлмиш менга
беҳад насиб,
Нотавон кўнглим қушига то ҳамон
заҳмат насиб,
Эй, фироқингдин манга ғам рўзию
мехнат насиб,
Оҳқим, ҳажрингда ўз шаҳримда
бўлмишмен фариб.

Музтариб эрдим, замирим дард чекмак
эрдию бас,
Минг ахтарсам ўзлигимким, дам ихроҳ
эрдию бас,
Во ихроҳ эрдим, насибим ранж емак
эрдию бас,
То фариб эрдим, насибим ғам емак
эрдию бас,
Шаҳрим ичра доғи ғам бўлса насибим
ё насиб.

9
Серимда музтар бүлдим излабон
ёру диёр,
Хилдат узра тонар эрдим қолибон
ёру диёр,
Бир ғамхона истар эрдим безабон
ёру диёр,
Гурбат ичра истар эрдим кезибон
ёру диёр,
Чунки топтим, истамак гурбат эрур
бөхад ғариб.

Мен диёру ёрсиз, гурбаткашлик ҳар
тийра тун,
Бир келиб, ай муҳтасиб сен ҳолим сүраб
май сун!
Тийрадур бу кулбай аҳзоним, сен
ёритгил бефусун,
Үз диёремда бузуғ күнглум не янглиғ
түқтасун
Ким, эрур бегона ҳам аҳбоб мендин,
ҳам ҳабиб.

Кимга ким бўлса рақибким, бегона
айлар илтифот,
Бетакаллуғ бўлсам агар ағёр айлар
илтифот,
Сен ҳақиқирик кўрган қулингким, ёр айлар
илтифот,

Ким рақибим бўлса, баским, ёр айлар
илтифот,
Оlam аҳлин соғинурменким, менга
бўлмиш рақиб.

Минг алам, минг машаққатсиз ҳеч
насиб этмас сафо,
Бағри тош бўлса ҳам ёринг дема зинҳор
бевафо,
Илтифотин таъна қилмас ҳеч қачон
аҳли вафо,
Даҳр аро, эйким, дединг: айлаб вафо,
курдум жафо,
Ким вафо аҳлидуур, бу сўз анга
бордур ажиб.

Носиҳо, зуннор наслин топмасанг,
йўқтур ажаб,
Панд эшитмай ёр аслин топмасанг
йўқтур ажаб,
Манзаро, гар ишқ васлин топмасанг
йўқтур ажаб,
Эй Навоий, ёр васлин топмасанг,
йўқтур ажаб,
Нўш йўқ, лекин кўтар юз ниш гулдин
андалиб.

АЛИШЕР НАВОЙЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Меҳрини сарви сочибдур, ёр меҳросо
эмас,
Ошиқ гар ўзни унутмиш, маъшуқ
дилосо эмас,
Суйрийин дарё ёзибдур сув равоносо
эмас,
Сунбулин Лайли очиптур, ел абиросо
эмас,
Дофини Мажнун қонатмиш, лолайи
хўмро эмас.

Куйдирап жону жаҳоним оташ ишқинг
нори, ёр,
Дарди ишқинг мен кеби йўқ хастаю
бемори, ёр,
Солланар дема зинҳор бошимда ҳижрон
дори, ёр,
Настаран кўзгусида бир сори мен,
бир сори ёр
Чеҳра аксин кўргузуптурбиз гули раъно
эмас.

Колиб кетсам, не ажаб, Фарҳод кеби мен
тоғ аро,

Бағрим лавҳиға чекилған қонталаш
минг доғ аро,
Телбаю девонаман аҳли башар –
бор соғ аро,
Гулни үхшатқан учун ёримға гүё бօғ аро,
Мұстариб күнглум қушидур, булбули
шайдо әмас.

Ишқ әвдосидин күрингки, бу бошим
түррасин,
Ёр этак силкибдур, ғубори күкка етмиш
дүррасин,
Гул атридин мұраттаб айлагандай
ер куррасин,
Сунбул устидин насим әсгач, нигорим
туррасин
Ёд қылдымким, димоғ ошуфтадур,
савдо әмас.

Гардун минг бир алами қылди рангу
рүйим зарир,
Қайрап қилич бошим узра ҳар түрт фасл
замҳарир,
Жисму жоним минг бир аср яшаган
каби қарир,
Наргис олтун жомининг оллида
кофурий ҳарир

Пардайи жонимдуур мархун, қадаҳполо
эmas.

Бу жаҳон зулумотида ўзга йўқ оби ҳаёт,
Чун ўлим дастидин қочқан бирла йўқ
ҳеч бир нажот,

Лйб этманг, эй покравлар қилсам
афғон, йўқ қанот,

Дема, афғонимда булбул ноласидек
йўқ нишот,

Бу ҳам андуҳзо эmas, гар ул нишотафзо
эмас.

Давлати дийдорига еттим кўнгул
бустонида,

Маҳшар томон беармон кеттим кўнгул
бустонида,

Дилдорсиз хаста ёлғиз неттим кўнгул
бустонида:

Гулни сарв узра хаёл эттим кўнгул
бустонида,

Рост айтай: сарви гулрӯом кеби зебо
эмас.

Булбули шўрида нетсин заган аро,
зор аро,

Топилмас гули тар баъзан минг бир
богу роф аро,

Минг бир беадад доғ бор күнглиму
қароғ аро,
Бұлмангиз мағрури ҳусн, эй шүхларким,
боғ аро
Сиз кеби билтурғи гуллардин бири
пайдо эмас.

Баҳор айёми гар боғи жинондин етти
қадаҳ,
Құлдан-құлга гар муҳаббат жомидай
үтти қадаҳ,
Дашти ҳижрон ичра Манзар ул ойдин
кутти қадаҳ,
Манга гулрух соқиу булбулға гул тутти
қадаҳ,
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, vale
расво эмас.

АЛИШЕР НАВОЙӢ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Мени дилҳаста зор кӯнглим гумондин
асрафил, ё, Раб,
Гумон гирдобида бор бадгумондин
асрафил, ё, Раб,
Бадахлоқ, бадгумону беимондин
асрафил, ё, Раб,
Ул ойнинг гулшани ҳуснин хазондин
асрафил, ё, Раб,
Гулу шамшодин осеби замондин
асрафил, ё, Раб.

Топиндим то ҳаётим бор муқаддас-ҳур
калом-сўзга,
Дилимбоз бутладим ёлғиз қаноат
айладим бўзга,
Кўринмас кўйидин ўзга, маво маст-
мастона кўзга,
Балойи ишқ ногаҳ учрар, ушбу
телбадин ўзга,
Улусни бу балойи ногаҳондин асрафил,
ё, Раб.

Не “ҳай-ҳай”лар ҳайратимдин, яна
такрор не “бай-бай”лар,
Беомон фармони ишқинг яна нелар
сари шайлар,
Балойи ҳажри ичра бу балокаш,
водариф, найлар,
Ул ой ҳар ёнки айлар майл, ишқ аҳли
хужум айлар,
Манга сўз буки: ани барча ёндин
асрафил, ё, Раб.

Кўрингай не акобирларadolатпеша
одилдек,
Вале, қилмиш-қидирмишлар не баттолу
неботилдек,
Жаҳон ичра топиб бўлмас синоат бир
қарич тилдек,
Ниҳоний дарди анинг муҳълик эрмиш
захриқо тилдек,
Жаҳон аҳлини ул заҳри ниҳондин
асрафил, ё, Раб.

Демай, барча бало борки, ани аҳли
замон қилди,
Хунарлар не, вовайлато, беаёв, беомон
қилди,
Бусиз ҳам захми бағримни яна ҳам чоки
чин қилди,

Манга номеҳрибонлиқ бирла ул бут
қасди дин қилди,
Бари элни бути номеҳрибондин асрафил,
ё, Раб.

Кечиб мендин ағेरга не боис берди даст
ул кофир,
Боши узра ошиқ аҳлин ҳамон забардаст
ул кофир,
Десам, ошиқпарат ё беймон элпарат
ул кофир,
Халойик дини торожига чиқди масть
ул кофир,
Қаён майл этса ислом аҳлин андин
асрафил, ё, Раб.

Цили дардим айтолмам ҳеч, бағриқон
күксимни очиб,
Кетолмасман күйидин ҳам бадар бошим
олиб қочиб,
Бешафқат ҳукми тақдирдин шикоят
то эмас вожиб,
Чиқармен телба итдек оғият күйидин
үт сочиб,
Жамиъи яхшиларни мен ёмондин
асрафил, ё, Раб.

Не қаттол ҳукми тақдир бу- не баттол
минг замон күрдүм,
Тегирмон тошлари ичра тақир бошим
омон күрдүм,
Вале, шукроналар айтдим гар мудому
хамон күрдүм,
Жаҳон аҳлиға қилдим жон фидою қасди
жон күрдүм,
Не маҳзун жонки бор, аҳли жаҳондин
асрафил, ё, Раб.

Дилимда тоабад сақлай муҳаббат
ганжию сақлин,
Тилимда тоабад куйлай муҳаббат
нағмаю нақлин,
Навосозлар панди бирла Манзаро
пешлагай ақлин:
Навоийнинг фифони ўти куйдурди
жаҳон аҳлин,
Малойик хайлин ул ўтлуғ фифондин
асрафил, ё, Раб.

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Келар хаёл – күнгил бунча хавотир,
Шундай кечар: ҳар кун отаётир.
Мусиқордек⁶ куйласам не тонг,
О, қалбим! Погунда⁷ дек титраётир...

* * *

Мұхакқақ қоялар ёлғон сўйламас,
Азал гўзалликнинг доясидир Ул.
Ёлғонлар, рўёлар соя сололмас –
Сояга бўй бермас қоялардир бул.

* * *

Ҳамон жозиб ҳазрат навоси,
Ҳаётбахш ашъорин ҳавоси.
Севимли ёр оғуши каби
Чорлар-чорлар оҳанрабоси!

⁶ Мусиқор – хушвоноз қуш маъносида.

⁷ Погунда – момик пахта каби маъносида.

* * *

Косагул, қадаҳни тұхтатмай узат,
Вайрона күнглил коса май билан тузат.
Сармаст бұлсинг десанг руҳим тоабад,
Сұнгги лаҳза мени май билан кузат!

* * *

Надомат чекишдан фойда йүк дүстим,
Ахир, надомат ҳам нодоннинг иши.
Бирма-бир битмоқда аста кам-күстим,
Үнгланса, не ажаб, ҳар ким турмуши.

* * *

Үткинчи дунёда бари омонат,
Беҳуда жонингга қилма ҳеч жабр.
Қувонч ҳам, ҳасрат ҳам бисёр-тумонат –
Дунёда ягона нажот бу – сабр!

* * *

Күнглинг тарк этмагай орзу-умид ҳеч,
Вале, сен манфаат даъвосидан кеч.
То оёқ-құлингга солмайин тушов,
Нафсинг муаммосин ўз вақтида еч.

* * *

Демасман, мен сенга тулпор отли бүл,
Лсилзода бүлгин ва ё зотли бүл.
Лизиз бүлай десанг, икки дунёда,
Лафзи ҳалол, сузи шириң, тотли бүл.

* * *

Лй, мени илохий сирдошим,
Қалбимга йүл топган йүлдошим.
Суянчим, қардошим, юртдошим,
Хоки туроб – пойингда бошим!

* * *

Навозишлар билан күнглим чоғладилар,
Оёк-қўлим ришта-ипсиз боғладилар.
Соддалигим бало бўлди бошимга, вах,
Юрагимни шафқат қилмай доғладилар!

* * *

Ҳолига бир қара ёқаси чокнинг,
Олу юрт наздида тубанинг-хокнинг.
Ҷаъватига қулоқ тутгин идрокнинг:
Осон минг мушкули ботини покнинг!

* * *

Демасман: Бош яланг жала-дүлга кир,
Алангаи оташ саҳро-чүлга кир.
Фанимат ҳар лаҳза, токи, бир фурсат,
Эй ғофил, оқиладай түғри йүлга кир!

* * *

Мехрин очиб кулса бир чечак ғунча,
Қуёшдан нур эмиб бүлгандир шунча.
Ҳар бир гүдакка ҳам бахш этар ҳаёт
Она меҳри деган буюк тушунча.

* * *

Қисмат ўйинлари бошимда түфён,
Малакий бир қувват, руҳимда исён.
Пушти паноҳ Тангрим ўзи ёнма-ён,
Етказолмас ҳатто шайтон ҳам зиён.

* * *

Изтиробдан ёнмоқда қалбим –
Маҳзун ўсган етим севгидан.
Бунда ҳар он қувфинди қүш жим,
Ёлғизликнинг эслаб бир кунин.

* * *

Ҳайдадилар, ё Раб даргоҳларидан,
Гүёки сарбаланд баргоҳларидан.
Икки олам ичра кечиб баридан,
Не ажаб, ўтсам минг фарсаҳ наридан!

* * *

Тоғларга тегманг эй, азиз одамлар,
Безаманг тоғларни, ўзи-да, гузал.
Аслига содик қолсин бу тоғ-тошлар,
Абад наққоши-да, безаган азал.

* * *

Шоирман деб, қилма шикоят,
Дардлар учун бағринг қўйинми?
Қанча-қанча тунлар иноят,
Ишқ дардлари найранг-ўйинми?

* * *

Наҳот, ўтди барча-барчаси,
Забун ҳаёт-мамот ҳарбидан?
Гуллар сўлди, севги топталди,
Қабоҳатнинг метин зарбидан.

* * *

Эй менинг қалбимга озор берган зот,
Юмушинг күнгилини синдиримоқми, айт?
Сенга насиҳатим бу шаштингдан қайт,
Агар керак бўлса, юлқиб берай, айт?!

* * *

Олис уммонларга кетаётган ким,
Секин-аста эшкакларни ечаётган ким?
Муҳаббат тухмини экиб дилларга,
Маърифат дарёсига чўкаётган ким?

* * *

Йигитликда астойдил тер тўксанг
бilmай тиним,
Қариганда роҳатин кўргайсан,
азиз иним.
Ибрат ол дехқонлардан: баҳорда қилиб
ғайрат,
Кузда ҳавас қиларли ҳосил тўплар
мўл-унум.

* * *

На қисматдир, аё, жоно, мени баҳтим
забун бўлди,
Минг бир армон, минг бир карвон, яна
минг бир табун бўлди.
Бу ишқнинг можаросидин ҳаётим
тонги шом бўлмиш,
Бошим узра то қиёмат фақат зулматли
тун бўлди.

* * *

Тушиб бошимга минг савдо ки, мендин
бир хато ўтди,
Қуюндеқ дардларим, охир, фам тоғидан
бехато ўтди.
Бу ишқнинг шиддатидан руҳим хўп
хаста-хотирдир,
Агар билсанг менга бу ҳиддат кўп оғир
бало бўлди.

* * *

Самовот буржида юлдузлар базми,
Умр кемасида ҳасратлар назми.
Ахтари толеин ахтариб инсон,
Фам селин киприк-ла тўсмокда чунон.

* * *

Эй сарвинозим құлма шикоят,
Сенсиз бу олам менга ривоят.
Кимлар үтмади, унсиз ниҳоят,
Тақдир ишидан қочмоқ не ҳожат?!

* * *

Юрагим қон қылар даҳри-дун иши,
Басма-бас санчилар минг битта ниши.
Айтинг, нетиб хаста бўлмасин қалбим,
Зиммасида икки олам ташвиши.

* * *

Бунда чизар мусаввир тасвир,
Хаёлидан үtkазиб шамшир.
Ёмғир ёғар хаёлдай сизиб,
Мусаввирнинг ўйларин чизиб.

* * *

Бош күтарди қирда гуллола,
Севинчларга тўлган шалола,
Кимлар маҳзун – буқун бегона,
Бир умрлик армоним менинг.

* * *

Чирой очиб атроф гуллари,
Мени ҳайрат чулғабдур буткул.
Яна келди баҳор онлари –
Юрак тұкиб соларсан бедил!

* * *

Хаёлга фарқ рассом үйлайди,
Илҳом кенгликларин бүйлайди.
Бұлажак шоҳ асарин тархин
Сирли абри-найсон сүйлайди.

* * *

Гар, асти, шоирлик даъво қилмайман,
Гарчи синоатин тұлиқ билмайман.
То тушди қалбимга оташин ишқинг,
Таърифинг куйловчи дилтортар найман.

ТАРЖИМАЛАР

(Мирзо Абдулқодир БЕДИЛдан)

Кибриёлик авжи узра ожизлик тутди
роҳ анда,
Бошингни мунда мўйдек хам қилсанг
бордур кулоҳ анда.

Муҳаббатнинг адабгоҳи ноз-шўхликдан
йироқдир, бил –
Ки шабнам ишвадан дўнди меҳр ичра
нигоҳ анда.

Ноз базминг ёди ила саҳар туриб ўқисам
Куръон,
Сокин ханда-шитоб не ерга етар
дастгоҳ анда.

Дашти улфат ичра муқим бўл, хушдамлик
эктивор айла,
Кўзингга андуҳ келтирас мижгонларинг
гиёҳ анда.

Барчаси мушкилдир, риёю фитнадин
халос бүлиш чун –
Бошим юлқиб, ўз ёқам ичра яширдим
паноҳ анда.

Эй хүш! Вафо базмики, изҳор хижлатидан
эмас ноумид,
Чун шарора тошга урилмай, чиқмас
оҳанг, оҳ анда.

Бенаво киши машраблик атворин
билимагай ҳаргиз,
Сувсизлик киши рангин сомон қиласар,
зери коҳ анда.

Паришон дил губоридан саҳар файзи
мавжланмиш хұб,
Кечанг кундуз эмас, гар қилмасанг
бұлмас табоҳ анда.

Ҳавас Кањонида Юсуф матлаби
ғамдан эмас фориғ,
Үзига маҳлиё бўлмоқ нечун, ижоди
choҳ анда.

Фанолик хаёлин жилвазори ҳам бир
оламидир,
Азал наққоши тарҳидан йўл юармиз,
гоҳ-гоҳ анда.

Күнгил косаси таҳаммұлсиз озодлик
эхромига боғланмас,
Магар бу жом тошга айланар, бўлиблар
узроҳ анда.

Бемуддао дил фириби ичра лангдирмен,
эй Бедил,
У водийда йиқилдим, ки, манзиллар
қолиб, роҳ анда.

* * *

(Мирзо Абдулқодир БЕДИЛдан)

Яратган эгам лойга қорди дилемиз,
То очмоқ чун ҳолату кайфиятимиз.

Зоҳиру ботинимиз бўядик ҳар тусга,
Ахири билдик-ку расво ҳолатимиз!

Парда орти узра қылдик-ку хуб шўхлик,
Наҳот, кимса билмас, нотавонлигимиз.

Ошкор оламдаки, бўлдик бепарда,
Чун яшириб бўлмас нодонлигимиз.

Кибру ҳаволикдир кимнинг фасонаси?
Гоҳ ноз шева узра кўкка етар бўйимиз.

Бердилар бир күзки, сүқирдан-сүқир,
Күзгудан бебаҳрадир басиратимиз.

Фирдавс эшиклари очилур ҳамон кун,
Бедимоғлиқдан фардо деюрмиз.

Бериёлик узра гавҳар ҳалқаланди –
Қўлни ювган ҳамон дарё сувида биз.

Номус либоси гар торлик қилса,
Биёбон мавжуда ухлар саҳройимиз.

Ҳайрат тарозиси – Ҳақ моҳир устадир,
Хаёл-тимсол эрур, кўнгил-дарёйимиз.

Ваҳдат созидан касрат маҳв бўлмас,
Танҳоликда гар тахайюл ҳамроҳимиз.

Тааллук ваҳми дея, дўнгил ўзингдан,
Саҳронишиндир чун бу хонумонимиз.

Мавжуддир исминг, хаёлот эрур боқий,
Масиж сари борар Хизр оламимиз.

Бу ноумид манзилдан бизга не фойда?
Гар Бедил ҳамхона, Анқо ҳамсоямиз.

* * *

(Паҳлавон МАҲМУДдан)

Паҳлавон Маҳмуд – қутблар қутби,
Тажрид мамлакатин подшоҳидир ул,
Ирфон қибласин гавҳари кони,
Тавҳид денгизин дурдонаси ул.

* * *

Қилма қора тошдан талаб ложувард,
Пок қўнгил, юқтирас сира чанггу гард,
Эшит Маҳмуд Пурёрвалий қаломин:
Бедиллардан чиқмас сира жавонмард!

* * *

Эй санамо, дўстлик аҳдини тузгил,
Ўзгалар меҳридан кўнгилни узгил,
Тонг чоги биз томон ихлос ила кел,
Ҳожат раво бўлмас – дўстликни бузгил.

ЯГОНА КУН

(Борис ПАСТЕРНАКдан)

Қаҳратон қиши – оғир палласи,
Куёш дарвозасин эслайман.
Ва, ҳар бири бетакрор эди,
Такрорланар яна қайтадан.

Барчалари бешикаст занжир,
Боғландилар бурунма-бурун –
Ҳамоно, кун гар ягонадир,
Бизнингча, тўхтаган бир қурун.

Хотирда ҳар бири, ҳаммаси:
Яқинлашар қишининг шилтаси,
Йўлаклар нам, томлардан оқар,
Куёш эритган муз парчаси.

Меҳрибон, гўё тушдагидек,
Ҳар бир ўтган онлар ўзгача,
Дараҳтлар бўй чўзар, беҳолдек
Иссиқдан терлайди тунгача.

Ярим уйқу – ялқовлик мили,
Айланадир қуёш қурида,
Давом этар аср қунлари,
Ва, сифмас бағрига адоги...

* * *

(Борис ПАСТЕРНАКдан)

Феврал. Бу сиёхдек томчилаб йиглаш!
Ва, ёзмок ғеврал ҳақында зор-зор.
Ҳамон шилта лойнинг шовқини-да бор,
Кўм-кўк қора – ёнар аралаш.

Қўлга ол парвозни. Олти “гривен” мўл,
Чорламоқда черков ва қўнгироқлар.
Жала чоғи чидамли бўл, қаерда дўл,
Ҳали шовқинлидир қора кўз ёшлар.

Қани, гўё нашвати ноклардай,
Дарахтларда минглаб гўнгъаргалар.
Кўлмакларни парчалаш ва афдариш-бай
Куруқ ҳасрат тубинда кўзлар.

Мулойим кўнгил туби – қора туйнук каби,
Бебош шамол увиллар зору зор.
Ва, алҳол садоқатли вафодор ёр каби,
Шеърлар туғилади қалбимда илк бор.

МУНДАРИЖА

«Сирли сукунат – наққош» 3

ШЕЪРЛАР

Энг улур нотиқсан	7
Бағишлиов	8
Йиллар суронида... сўзнинг асири	9
Том бошида бузлар қизғалдоқ	10
Туш курибман. Бўзлайди лола	10
Ёрқин саҳарларда сени ёд этиб	12
Бутун кеча гаріб сукунат	13
Зорланарди қалбимда тоқат	13
Диёrim	14
Ой нурлари қилганда ханда,	15
Ёмғир ёғар – дилгир саросар	16
Сени эслаб келмайди уйку	17
Интизорман, кўзим нигорон	18
Асрий тоғлар қошимда	18
Эй ёр	19
Қафасдаги қүш	20
Не қилай	22
Мени севиб-суйганинг ёлғон	23
Кўнгил ичра мунча сукунат	24
Тонг юлдузи – чўлпон юлдузи	25

Илохий ишқ	26	Fam oshikar dilimda naxor	54
Умид узмасман	28	Suz ruхи	55
Ҳаётга ташналик қўймас тинч	29	Ўтадир суронли кунлар ҳам	56
Сен-ла, жим хайрлашмоқ оғир	30	Ўша кундир, бузлаган куним	56
Билмам, ёшим, нечада ҳали	30	Кўнгил ичра жўровоз садо	57
Қалқиб борар дунё бегумон	30	Кўнглим ненидир излар	57
Дарё мавжларига бўлиб ҳамоҳанг	31	Сагана	58
Зулматли тун, кўнгил музтариб	32	Ҳақиқат нимадир, балки, у ҳасдир	58
Наҳотки, сен, ўша	33	Йифлагин, азизим йифлагин	59
Бинафшажон, бинафша	34	Чексиз самоларга кўз тиксам ҳар он	59
Ўксинма! Ўтар умр	35	Куз	60
Орзуларнинг экиб ниҳолин	35	Тун сирлари аён-ноаён	60
Оппоқ дудга тўлар кенг осмон	37	Фам боғлари кўнглимга мадад	61
Арасот дафъидир Чилёсин	37	Жоизки, ёзамиз юз фоиз	61
Сен тушир қирқ ёсин, эй қорим	38	Чўпон	62
Бандай ожиз	39	Олис уфқ пойида денгиз	62
Шундай бир висолни қўмсаган юрак	40	Асрлардан келади нидо	63
Кўнглим мудом ишқча орзуманд	41	Мени хорлик қилмади адо	63
Қайгули тун, кўнгил ёнар тош	41		
Хаёлим – рангин хотира	42		
Ихроҳ	43		
Чорасиз аёл	45		
Онажон	47		
Тафаккур чирогим тезроқ ён энди	48		
Суз бўлиб туғилар улувлар ёди	49		
Мен нега сигиндим, нега топиндим	50		
Ай, сен, ҳўрланган, тобинган сингил	51		
Чўлпон ноласи	52		
Туркистон	53		
		FAZALLAR	
Эй дўстим, шафқатсиз хунхорларга			
боқ			64
Чекди умрим водариго, ҳасрату андуҳ			
ила			65
Жабрни кўп қилдинг жоно			66
Наврӯз			67

МУХАММАСЛАР

- Алишер Навоий ғазалига мухаммас
Алишер Навоий ғазалига мухаммас
Алишер Навоий ғазалига мухаммас

ТҮРТЛИКЛАР

ТАРЖИМАЛАР

- Кибриёлик авжи узра ожизлик тутди ..
Яратган эгам лойга қорди дилемиз
Паҳлавон Маҳмуд – кутблар қутби
Ягона кун
Феврал. Бу сиёҳдек томчилаб йиғлаш ..

Ладабий-бадиий нашр

МАНЗАР АБДУЛХАЙР

СҮЗ РУХИ

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий муҳаррир
Хусан МЕҲМОНОВ

Мусахҳих
Муҳаббат МЕНГНОРОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Босишига 20.05.2014 й.да рухсат этилди.

Бичими 70x84 1\32.

Босма тобоги 3,125. Шартли босма тобоги 3,40.

Гарнитура «Bookman Сур+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 57.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди
ва чоп этилди.

Лицензия рақами:

AI № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.
100113. Тошкент, Чилонзор-8,
Қатортол кӯчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.yangiasr.uz
e-mail: yangiasravlodij@mail.ru

Манзар Абдулхайр

СҮЗ РУХИ



ISBN 978-9943-27-286-6

9 789943 272866


ЯНГИ АСР АВЛОДИ